



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 22 декабрь, № 269 (9164)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди.



Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко раислигида ўтган учрашувда Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳам қатнашдилар. ЕОИИ кузатувчи давлатлари раҳбарлари — Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён иштирокчиларга видеомурожаат йўлладилар. Таклиф қилинган давлат вакили сифатида тадбирда Индонезия Республикаси савдо вазири Буди Сантосо иштирок этди.

Кун тартибидан кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, транспортни ривожлантириш ва ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон Президенти нутқининг аввалида ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади.

Кейинги тўрт йилда кузатувчи

давлат мақомидаги ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг иттифоқ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қарийб икки баравар ошди ва 20 миллиард долларга яқинлашди.

Савдо, саноат, молия тизими, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 га яқин чора-тадбирларни ўз ичига олган Евроосиё иқтисодий комиссияси билан 2026 йилгача ҳамкорлик режаси тизимли равишда амалга оширилмоқда. Келгуси йилда қўшма Ишчи гуруҳнинг бешинчи йиғилишини Тошкентда ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон савдо ва юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳаларида ЕОИИнинг бир қатор тармоқ дастурларида фаол иштирок этмоқда.

Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг бу галги йиғилиши доирасида Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасида божхона чегаралари орқали ўтказилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотни алмашиш тўғрисида битим тузиш юзасидан музокараларни бошлаш қарори қабул қилинди.

— Ишончимиз комил, чегаралараро маълумотлар алмашинуви божхона назорати самарадорлигини оширишга, кечикишларни камайтиришга ва транспорт тизимларимиз-

ни Евроосиё йўлакларига интеграция қилишга хизмат қилади, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ўзаро товар айирбошлашда савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этиш муҳимлигини таъкидлади. Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария стандартларига ёндашувларни уйғунлаштириш учун МДХ ва ЕОИИ институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шу маънода, Ўзбекистон етакчиси ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш ва талабларни бирхиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклифини билдирди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, сертификатлаштириш ва божхона маъмуричилигидаги тафовутлар билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш учун тариф ва нотариф тўсиқлар бўйича “Ўзбекистон — ЕОИИ” қўшма Мувофиқлаштирувчи гуруҳини ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Саноат соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида мамлакатимиз раҳбари машинасозлик, энергетика, агросаноат мажмуи, кимё

ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар рўйхатини биргаликда тузишни таклиф қилди.

Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиши муносабати билан ҳамкорликнинг стратегик йўналишларини биргаликда белгилаш ҳамда устувор инфратузилмавий ва “яшил” лойиҳаларни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни қамраб олган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ташаббуси билдирилди.

Рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон Президенти божхона маъмуричилигини рақамлаштириш ва юк ташишда “узлуксиз” моделига ўтиш масалалари устувор вазифа эканлигини қайд этди.

— Рақамли платформаларни, жумладан, электрон савдо ва рақамли маркировкани уйғунлаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни ЕОИК билан биргаликда тайёрлашни таклиф этамиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон ЕОИИнинг, энг аввало, биотиббейт, янги материаллар, агротехнологиялар, энергетика ва робототехника йўналишларидаги технологик платформаларига қўшилишдан манфаатдор.

Туризм алмашинувини рағбатлантириш ва туристик маҳсулотларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш

мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон туризм соҳасида интеграциялашган ахборот ресурсини шакллантириш ишларига қўшилишга ҳам тайёрлигини билдирди.

Яқунда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга қатъий интилишини яна бир бор тасдиқлади.

Россия Федерациясига амалий таширф доирасида Н. А. Римский-Корсаков номидаги Санкт-Петербург давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонга Лев Толстой номидаги Халқаро тинчлик мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин хузурида халқаро мукофотни унинг ҳайъати раиси, Мариинский театри бадий раҳбари ва бош директори, Россия Катта театри бош директори, дирижёр Валерий Гергиев топширди.

Уч мамлакат етакчилари ушбу нуфузли мукофотга Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қўшган улкан шахсий ҳиссаси учун сазовор бўлдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорида таъкидланганидек, 2025 йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида учта давлат раҳбарлари Давлат чегараларининг туташган нуқтаси тўғрисидаги шартнома ва Абдий дўстлик тўғрисидаги Хўжанд декларациясини имзоладилар ва шу билан халқаро ҳуқуқ устуворлигига асосланган умумий ва баробар хавфсизликни таъминлаш, халқлар ўртасида ўзаро англашув ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшдилар.

Ушбу мукофот инсонпарварлик гоёларига садоқатни ифодалаши ва Марказий Осиёни тинчлик, фаровонлик ҳамда бунёдкорлик маконига айлантириш йўлидаги умумий ҳиссанинг эътирофи экани таъкидланди. Биродар Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилиши уч мамлакат халқларининг сиёсий иродаси, ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка интилиши туфайли бўлгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий таширфи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Авваламбор, Россия Федерацияси Президенти хурматли Владимир Владимирович Путинга меҳмондўстлик ва бугунги учрашувимизни аъло даражада ташкил этгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Беларусь томонининг, Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенконинг Евроосиё иқтисодий иттифоқида самарали раислигини алоҳида қайд этмоқчиман. Бу даврда кўп томонлама амалий ҳамкорлик янги суръат касб этди.

Глобал бозорларнинг тобора парчаланиб бораётгани, логистика занжирларининг мураккаблашаётгани ва инвестиция ресурсларини тақсимлашда устувор йўналишларнинг ўзгараётгани шароитида биз учун стратегик ва табиий шерикларимиз бўлган Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан прагматик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш принципиал аҳамият касб этмоқда.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Кузатувчи давлат мақомидаги ҳамкорликнинг сўнгги тўрт йилда Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси қарийб икки баробар ошди.

Иқтисодий алоқалар таркибида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши ортиб бораётгани, кооперация лойиҳалари кенгайиб бораётгани барқарор суръат кўрсатаётгани айниқса муҳимдир.

Бу ҳамкорларимиз ишлаб чиқариш занжирларини мустаҳкамлашдан чинакам манфаатдорлигини акс эттиради.

Ўзбекистон Евроосиёнинг асосий форматларида фаол иштирок этмоқда.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан савдо, саноат, молия, аграр саноат ва транспорт соҳаларида 40 га яқин аниқ тадбирларни ўз ичига олган уч йиллик режа амалга оширилмоқда.

Қўшма Ишчи гуруҳ форматидаги ишлар давом этмоқда: унинг бешинчи йиғилишини келгуси йилда Тошкент шаҳрида ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Шунингдек, ЕОИИнинг электрон савдонини ривожлантириш, юк ташишни рақамлаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича тармоқ дастурларида иштирок этмоқдамиз.

Ўзбекистон ва ЕОИИ божхона чегаралари орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида ахборот алмашиш борасида битим тузиш бўйича музокараларни бошлаш ҳақидаги қарор қабул қилинганини олқишлаймиз.

Ишончимиз комилки, трансчегаравий маълумотлар алмашинуви божхона назорати самарадорлигини ошириш, кечикишларни камайтириш ва транспорт тизимларимизнинг Евроосиё йўлакларига интеграциялашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиши ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Банк билан биргаликда инфратузилма, энергетика, металлургия, кимё ва бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Хурматли ҳамкасблар!

ЕОИИ билан ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги устувор йўналишларимизни қисқача айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этиш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария меъёrlари борасидаги ёндашувларни яқинлаштириш мақсадида МДХ ва ЕОИИ институтлари ўртасидаги мувофиқлаштиришни фаоллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш ва талабларни бирхиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, сертификатлаш ва божхона маъмуриятчилигидаги тафовутлар билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида тариф ва нотариф тўсиқлар бўйича “Ўзбекистон — ЕОИИ” қўшма Мувофиқлаштирувчи гуруҳини тузишни таклиф этамиз.

Иккинчи. Саноат кооперациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Машинасозлик, энергетика, агросаноат мажмуи, кимё ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалар рўйхатини биргаликда шакллантириш зарур.

Ўзбекистоннинг ЕТТБга қўшилиши муносабати билан шерикликнинг стратегик йўналишларини биргаликда белгилаб олиш ҳамда устувор инфратузилмавий ва “яшил” лойиҳаларни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни қамраб олган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ишончимиз комилки, Банк нафақат молиялаштириш манбаи, балки интеграция лойиҳаларига инвестицияларни жалб қилиш катализаторига айланиши мумкин.

Учинчи. Рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш ниятидамиз.

Рақамли платформаларни, жумладан, электрон тижорат ва рақамли маркировкалашни ўзаро боғлаш бўйича ЕОИК билан “Йўл харитаси”ни тайёрлашни таклиф этамиз.

Божхона маъмуриятчилигини рақамлаштириш ва юк ташишнинг “чоксиз” моделига ўтишни ҳам устувор вазифа сифатида кўрапмиз.

Тўртинчи. Биз ЕОИИнинг биотиббейт, янги материаллар, агротехнологиялар, энергетика ва робототехника каби йўналишларни қамраб олувчи технологик платформаларига қўшилишдан манфаатдормиз.

Бешинчи. Туризм соҳасида интеграциялашган ахборот ресурсини шакллантиришга ҳам қўшилишга тайёрмиз.

Бундай ёндашув мамлакатларимиз туристик маҳсулотларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш имконини беради.

Хурматли дўстлар!

Ўзбекистон ЕОИИ билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоридир.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга Бирлашмага раислик Қозоғистонга ўтиши муносабати билан муваффақиятлар тилайман.

Барчангизни ва биродар халқларимизни кириб келаётган Янги йил билан яна бир бор самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

МАҚСАД – ҚОНУНЛАРНИНГ ХАЛҚЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 19 декабрь куни ҳам ўз ишини давом эттирди. Кун давомида сенаторлар ва йиғилишга таклиф этилган мутасадди ташкилотлар вакиллари бир қанча қонунлар ва масалаларни муҳокама қилди. Шунингдек, аввалги йиғилишларда юборилган парламент сўрови натижалари юзасидан жавоблар ҳам эшитилди.

Қуйида кун тартибидagi масалалар ва муҳокамадан ўтган қонунларнинг аҳамияти борасида сенаторлар фикрлари билан танишасиз.

Муносабат

Мансабдорлар масъулияти оширилмоқда

Кутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Муфдоаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси:

— Халқимизда оловга нисбатан “тилсиз ёв” деган ибора ишлатилади. Албатта, бу беҳиз эмас. Ҳар йили дунё миқёсида унинг қанғалида минглаб инсонлар ҳалок бўлади. Иқтисодиётга жуда катта моддий зарар етди.

Шу боис мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда содир бўлаётган ёнғинлар статистикаси таҳлил қилинганда, ҳодисалар сони ҳам, улар келтириб чиқараётган иқтисодий ва ижтимоий зарар миқдори ҳам ортиб бораётгани кузатишмоқда. Бу эса ёнғин хавфсизлиги соҳасида тизимли муаммолар борлигини, айниқса, масъул мансабдорлар зиммасидаги вазифаларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Амалдаги қонунчиликда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини биринчи марта бузган мансабдор шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 211-моддаси биринчи қисми бўйича маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида шундай ҳуқуқбузарлик такрор юз берган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмига биноан, шунингдек, содир этилган ҳуқуқбузарлик ёнғин чиқишига олиб келган бўлса, учинчи қисмига кўра жазолаш чоралари кўрилиши белгиланган.

Бугунги кунда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилаётган енгил жазо чоралари қутилаётган натижани бермаётганлиги, мансабдор шахслар томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тақдоран ва тизимли бўлиш натижасида йирик қўлмал ёнғинлар юз бераётганлиги сир эмас. Статистик маълумотларга кўра, ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлиги учун 2024 йилда 32 157 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 2025 йилнинг 11 ойи давомида 17 621 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилган.

Аммо қўрилаётган чораларга қарамасдан жўри қилинган 11 ойда республика бўйича жами 10 222 та (2024 йилнинг 11 ойда 8 722 та) ёнғин ҳолати қайд этилган бўлиб,

оқибатда жисмоний ва юридик шахсларга 225,7 млрд. сўм миқдорида зарар етказилган. Энг ачинарлиси, мазкур ёнғинларда 102 нафар фуқаро жараҳат олган ва 67 нафари вафот этган.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғинлар, асосан, тегишли мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги ва бу ҳолатларнинг олдини олиш бўйича таъсир чоралари етарли эмаслиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Шу боис “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ёнғинларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 211-моддасига тегишли ўзгаришлар киритилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо санкцияларини ошириш ҳамда мос равишда кодекснинг 249-моддасига ҳам ўзгаришлар киритилмоқда.

Хусусан, қорхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, жамоат жойларида, омборхона биноларида ва тураржойларда, шунингдек, тегишли объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуриш чоғида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш ёки ёнғинга қарши жиҳозлар, ускуналар, ёнғинни аниқлаш ва ўчиришнинг автотомат воситаларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун мансабдор шахсларга жариима миқдорлари сезиларли равишда оширилмоқда.

Бундан ташқари, қонун билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлса, мансабдор шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332-моддасида назарда тутилган имтиёзлар, яъни 15 кун ичида иштиёрий тўлаган жарима учун 50 фоиз ёки 30 кун ичида 70 фоизлик имтиёзлар қўлланилмаслиги назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунга ҳам тегишли ўзгаришлар киритилиб, давлат ёнғин назорати органларига — ёнғинлар билан боғлиқ фавкулдда вазиятларнинг ҳамда аҳолининг ҳаётига ва соғлиғига бошқача тарзда муқаррар хавф пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган (10 кундан ортиқ бўлмаган муддатга) тартибда тўхтатиб туриш ваколати берилган.

Қонуннинг қабул қилиниши ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш

орқали бу туркумдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган мансабдор шахсларнинг қонунларга риоя қилишни таъминлашга, уларнинг айнан бир турдаги ҳуқуқбузарликни қайта содир этишининг олди олинишига хизмат қилади.

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазаси кучайтирилади

Сайёра АБДИКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари:

— Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, экологик барқарорликни таъминлаш, қулай эко-муҳитни яратиш бўйича янгила ёндашув асосида ислохотлар амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, сўнгги пайтларда экологик масалаларга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, уни тартибга солуви қонунчилик базаси такомиллаштирилган.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” давлат дастури доирасида юртимизда экологик барқарорликка эришиш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, тармоқ ва соҳаларнинг уйғун “яшил” трансформациясини амалга ошириш ҳамда иқтисодий ўсишнинг янги, “яшил ривожланиш” моделига ўтиш бўйича қатор вазифалар амалга оширилди. Шунингдек, айни йўналишда ислохотларни изчил олиб бориш учун мустаҳкам қонунчилик базаси ҳам яратилди.

Шу кунга қадар мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳаси 30 дан ортиқ қонунлар, 300 га яқин бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. Аммо ўрганишлар таҳлили соҳада айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий санкциялар миқдори содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда келиб чиқадиган оқибат миқдорига нисбатан номуносиб бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, айрим турдаги ижтимоий хавфли қилмишлар учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, айрим турдаги ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарлик фақатгина паст миқдорли маъмурий санкциялар билан чегараланган. Бу каби ҳолатлар эса қатор салбий оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, 2024 йил ва 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида экологик ҳуқуқбузарликлар юзасида 122 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган бўлиб, уларнинг барчасида енгил молиявий жарима жазоси қўлланилган.

Ҳолбуки, қимматбаҳо дархатлар ноқонуний кесилиши натижасида

табиатга 67 млрд. сўмлик зарар етказилган.

Саноат, маиший ва бошқа турдаги чиқиндиларни тўплаш, ташиш, зарарсизлантириш, саклаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализацияси чоғида экологик талабларни бузиш ҳолатлари сони сезиларли равишда ошган. Хусусан, 2024 йилда 19 230 та, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 28 256 та ҳолат қайд этилган.

Бундай ҳолатлар эса қонунчилик ҳужжатларига атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини тақозо қилмоқда.

Таклиф этилаётган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларга ҳамда Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қўшимча ҳамда ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Атроф-табиий муҳитни ифлослантирганлик, ер, ер ости бойлиқларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик, шунингдек, экинзорларни, ўрмонларни, дархатларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантирганлик учун жиноий жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли пунктларидаги ва туман (шаҳар) марказларидаги ариқларни, ирригация тизимларини кўмиб ташлаганлик, чиқиндилар тўплаш майдончаларида ва уларнинг қўриқланмайдиган (модулли) иншоотларида қайта ишланадиган тоифага мансуб чиқиндиларни қонунга хилоф равишда тўплаганлик ва олиб чиқиб кетганлик, кўп квартирали уйга туташ тупроқли ёки яшил қопламали ер участкасини ўзбошимчалик билан бетонлаштириш, қурилма ва конструкциялар ўрнатганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва экологик назоратни самарали ташкил этиш, қўлим ўзгариши бўйича олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштириш ҳамда ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ва ҳайвонлар турларининг сони кўпайтирилишига эришилади.

Бу каби ўзгаришлар юртимиз экологик ва атроф-муҳит барқарорлигини сақлаш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

«Халқ сўзи».

Акс садо

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 18 — 20 декабрь кунлари Японияга амалга оширган расмий ташрифи мамлакатимиз ташқи сиёсий ҳаётида муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда. Ушбу ташриф Ўзбекистон — Япония ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, шунингдек, парламентлар ва ёшлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Келажак сари дадил қадам

Отабек СОБИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси:

— Президентимизнинг Японияга расмий ташрифи нафақат икки давлат ўртасидаги аънавий дипломатик муносабатларни, балки замонавий сиёсий ҳамкорликнинг янги форматларини намоён этди. Ушбу ташрифда парламентлараро мулоқотнинг аҳамияти, айниқса, Ёшлар парламенти институти орқали ёшлар дипломатиясини ривожлантириш имкониятлари устувор масала сифатида кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси президенти билан учрашуви бевосита парламент дипломатияси, жумладан, ёшлар парламентлари институтининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини яққол кўрсатди. Бу каби юқори даражадаги мулоқот ёш авлодда масъулилик, фаоллик ва юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, парламентлараро ҳамкорлик орқали ёшлар ташаббусларини илгари суриш, халқроқ тажриба билан танишиш ва глобал сиёсий жараёнларда иштирок этиш имкониятлари яратилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда минтақавий шерикликда эришилган ютуқлар — чегаралар масаласининг

ҳал этилиши, савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, маданий-гуманитар интеграциянинг ривожланиши ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очди. Япония билан ҳамкорлик орқали парламент дипломатияси ва ёшлар институтларидаги тажриба ушбу имкониятларни янада бойитади.

Ёшлар — мамлакатнинг энг катта бойлиги. Уларнинг таълими, соғлиғи, ижтимоий фаоллиги ва адолатли имкониятларга эга бўлиш нафақат Марказий Осиё, балки Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигининг барқарорлиги ва келажак стратегик ривожланиши учун ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан айтганда, Японияга ташриф парламентлар ва ёшлар институтлари орқали халқроқ ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёшларни глобал сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш ва Ўзбекистоннинг минтақадаги стратегик шериклигини чуқурлаштиришда тарихий аҳамиятга эга воқеадир.

Дунё ёшларини бирлаштирувчи куч

Зафар АСРОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти кўмита раиси ўринбосари:

— Президентимизнинг Япония ҳукумати ва парламенти раҳбарлари билан учрашувларда парламентлар стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим институт экани таъкидланди.

Алоҳида урғу ёшлар парламентлари ҳамкорлигига қаратилди. Томонлар Ўзбекистон — Япония ёшлар парламентлари аъзолари форумини ташкил этиш ва 2026 йилда Самарқандда бўлиб ўтадиган глобал конференцияда Қўнчиқар мамлакат делегациясининг иштирокини таъминлаш масаласи муҳокамадан ўтказилди. Бу ташаббус эса ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштироки ва парламентлараро мулоқотни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши муқаррар.

Парламентлар савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, технологик ва маданий-гуманитар соҳалардаги келишувларни амалиётга татбиқ этишда муҳим роль ўйнайди. Қўнчиқар базасини такомиллаштириш, қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва икки томонлама ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашда парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Рақамли қонунчилик, стартап ғояларни илгари суриш имконияти

Сарвиноз СОИПХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:

— Президентимиз музокаралар чоғида Япония ва Ўзбекистон ёшлар парламентлари фаолиятига алоҳида тўхталгани беҳиз эмас. Чунки бугун улар орқали “юшоқ куч” механизмларининг самарали ишлаши асосий омил сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон ва Япония ёшлар парламентларининг ўзаро бевосита алоқалари келажакда икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш барқарор ижтимоий-сиёсий кўприк вазифасини бажаради. Zero, бугун ёшлар даражасида йўлга қўйилган ишона ва ҳамкорлик эртага давлатлараро қарорлар қабул қилиш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Ушбу ташриф ёшлар парламенти учун яна бир муҳим жиҳат — қўнчиқар ташаббуслари ва стартап ғояларни халқроқ даражада илгари суриш имкониятини бергани билан эътиборга молик. Япония тажрибаси инновация, технология ва илм-фан асосида шаклланган парламент фаолияти модели билан

ажралиб туради. Бу эса Ёшлар парламенти аъзоларига рақамли қонунчилик, сунъий интеллектни тартибга солиш, экологик барқарорлик ва ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган норматив ташаббусларни ишлаб чиқишда муҳим йўналишларни беради.

Ёшлар парламенти аъзолари халқроқ музокаралар, парламент дипломатияси ва институционал мулоқотда иштирок этиш орқали сиёсий тафаккур, масъулият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш қўнчималарини эгаллайди. Бу эса узоқ муддатда профессионал, замонавий ва глобал фикрлайдиган сиёсий кадрлар заҳирасини яратишга хизмат қилади деб ишонамиз.

«Халқ сўзи».

МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Японияга амалга оширган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги узоқ муддатли стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим сиёсий воқеа бўлди. Ушбу ташриф Ўзбекистоннинг бу каби етакчи давлатлар билан ўзаро ишонч, очилиқ ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсий йўналишини изчил давом эттираётганини яққол намоён қилади.

Фикр

“Марказий Осиё + Япония” саммити минтақамиз давлатлари ва Қўнчиқар мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологиявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга бўлиб, минтақадаги ҳамда глобал иқтисодий шерикликни ривожлантириш учун муҳим платформадир.

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида Марказий Осиё ва Япония ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, минтақадаги барқарор ривожланишни таъминлаш ва ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича қатор янги ташаббусларни илгари сурди. Улар доирасида савдо-иқтисодий

алоқаларни ривожлантириш, Япония инвестицияларини жалб қилиш, саноат кооперацияси ва инновацион технологияларни кенг қўллаш, шунингдек, ташқи савдо имкониятларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, бундан 20 йил муқаддам Япония “Марказий Осиё +” мулоқотининг ташаббускори бўлгани қайд этилди ва ушбу формат стратегик муҳим механизм сифатида баҳоланди. Шу муносабат билан саммитларни давлат раҳбарлари даражасида ҳар икки йилда бир мартаба ўтказиш таклифи илгари сурилди ҳамда навбатдаги учрашувлардан бирининг Ўзбекистонда қабул қилинишига тайёрлик билдирилди.

Ўзбекистон “Марказий

Осиё — Япония 2040” ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш ва унинг ҳужжати минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиши ҳамда глобал иқтисодий жараёнларга интеграциясини таъминлайдиган аниқ дастур ва лойиҳаларни киритиш тарафдори экани таъкидланди. Янги ғоя ва таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳамкорликнинг кенг қамровли кун тартибини шакллантириш мақсадида мамлакатимизнинг етакчи таҳлил ва илмий-тадқиқот марказлари иштирокида Экспертлар форумини таъсис этишнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ушбу форумнинг илк йиғилишини келгуси йил Тошкент шаҳрида ўтказиш таклиф қилинди.

Бугунги кунда рақамли трансформация иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишнинг хал қилувчи омилларидан бирига айланиб бораётганини инобатга олган ҳолда Президентимиз “Марказий Осиё — Япония” рақамли хабини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Ушбу платформа рақамли



ечимлар, сунъий интеллект, “буомлар интернет”, кибер-хавфсизлик ҳамда инновацион иқтисодий соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари халқроқ сиёсат ва минтақавий хавфсизлик масалаларини тўхталар экан, Марказий Осиё мамлакатлари ва Япониянинг Афғонистонни тинч, барқарор ривожлантаётган давлат сифатида қўриш борасидаги иттилоқларни ўзаро муштарак эканини таъкидлади.

Барно БЕРДИЕВА, Олий Мажлис Қўнчиқар палатаси депутаты.

Ўзбекистон Жаҳон банки томонидан эълон қилиб бориладиган Давлатларнинг технологик етуклик индексида 71 поғона юқорилаб, дунёнинг «ТОП — 10» давлати қаторидан жой олди.

Сарҳисоб

Ўзбекистон сўнгги йилларда янги, фаол ва очик ташки сиёсати билан жаҳон ҳамжамияти эътибори марказида бўлиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга таширфларида эришилаётган келишувлар, ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиши, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт ривожи, инвестициялар ҳажми ва экспорт-импорт амалиётлари ортиши, пировардда аҳолининг даромадлари муттасил ўсишида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, дунёдаги ҳозирги “турбулентлик” ва глобал иқтисодиётдаги ноаниқликларга қарамай, Ўзбекистоннинг

иқтисодиёти ўртача 6-7 фоиз атрофида барқарор равишда ўсмоқда. Бинобарин, 2024 йилда ялпи ички маҳсулот (ЙИМ)нинг ўсиш суръати 6,5 фоизни ташкил этиб, унинг ҳажми 121 млрд. АҚШ доллариға етди. Жорий йилнинг 9 ойида эса ўсиш суръати 7,6 фоизни кўрсатди. Бу кўрсаткичлар нуфузли халқаро молия институтларининг ҳисоботларида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Халқаро валюта жамғармаси прогнозиға кўра, бу йил мамлакат иқтисодиёти ҳажми 130 млрд. АҚШ долларидаи ошади. Бундай юксак натижалар кўлга киритилишида мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, шунингдек, инвестициявий муҳитнинг яхшиланаётгани,

тадбиркорлик кенг кўллаб-қувватланаётгани, замонавий саноат маҳмуалари барпо этилаётгани, “яшил” ва инновацион иқтисодиётға ўтилиб, муқобил энергия манбалари яратилаётгани, ахборот технологиялари, туризм ва молиявий технологиялар каби хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожлантирилаётгани мустақам замин яратди, десак, муболага бўлмайди.

Шу билан бирға, экспертлар буни давлат инвестиция дастурларининг изчил ижроси билан бир қаторда, хорижий ҳамкорлар иштирокида йирик лойиҳаларни рўёбға чиқариш ва маҳаллий ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўриллаётгани билан изоҳлашмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

ёхуд Ўзбекистон чет эллик сармоядорлар учун очик ва инвестициявий жозибадор мамлакатға айланди

Инвестициянинг бунёдкор кучи

XXI асрнинг дастлабки чорағида иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнлари ўзига хос даврга айланди. Мамлакатда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, жаҳон бозорига чиқиш, халқаро иқтисодий муносабатлари муваффақиятли олиб бориш, ички ва ташки бозорда миллий товарлар рақобатбардошлигини таъминлаш — буларнинг барчаси турли кўринишдаги чет эл сармояларини кенг жалб қилишни тақозо этади.

Президентимизнинг хорижий таширфлари давомида эришилган энг муҳим ютуқлардан бири — бу Ўзбекистонға кириб келаётган хорижий инвестициялар ҳажми кескин ўсганидир. Илгари нисбатан ёпиқ бўлган иқтисодиёт эндиликда чет эллик сармоядорлар учун очик ва жозибадор майдонға айланди.

Расмий маълумотларға кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми бир неча бараваар ошган. Агар 2017 йилда асосий капиталға жалб этилган инвестициялар 14,1 млрд. АҚШ доллариини ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 40,0 млрд. долларға етди, киритилган чет эл инвестициялари 3,5 млрд. доллардан 27,7 млрд. долларғача ўсган. Бунда жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми эса беш баробар ошган.

Тахлилларға қараганда, мамлакатға киритилаётган инвестициялар нафақат молиявий ресурсларни, балки илгор технологиялар, замонавий бошқарув усуллари ва халқаро стандартларни ҳам қамраб олгани билан алоҳида аҳамиятға эға. Булар саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиғи, хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари каби иқтисодиётнинг қатор етакчи соҳалари модернизациясига, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишға хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт ўсишининг асосий омилларидан бириға айланди. Биргина саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари сўнгги беш йилда ўртача 6 фоиздан кам бўлмай, йил якуни билан 6,7 фоизға етиши кутилмоқда. Унинг ялпи ички маҳсулотдағи улуши 25 фоиздан юқори бўлиб, мунтазам ўсиб бормоқда.

Президентимиз таширфлари давомида имзоланган ҳужжатлар, эркин савдо худудларини ташкил этишға қаратилган келишувлар ва тарифиз тўсиқларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар янги бозорларни ўзлаштириш ва экспорт ҳажмини ошириш имконини берди. Фаол ташки сиёсат экспорт географияси ва таркибини сезиларли даражада кенгайтирди. Германия, Франция ва Италия каби Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамда Америка Қўшма Штатлари билан ташки савдо айланмалари сезиларли даражада ошди. Энг асосийси, 2025 йил якунларига кўра, аҳоли жон бошиға даромад 3,5 минг АҚШ доллариға етиши кутилаётган бўлиб, шубҳасиз, мазкур иқтисодий юксалишда инвестициянинг бунёдкор кучи ҳал қилувчи роль ўйнади.

Янги давр ва ўзгаришлар остонаси

Бугун дунё иқтисодиёти янги давр ва ўзгаришлар остонасида турибди. Бу эса барқарор ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизни бир қатор йўналишлар, хусусан, “яшил” иқтисодиётға эътибор қаратишни тақозо этади. Қувонарлиси, Ўзбекистонда айнан ушбу моделға ўтиш борасида кенг кўламли амалий ишларға киришилган бўлиб, ўтган қисқа даврда “яшил” энергетика соҳасига қарийб 6 млрд. доллар тўғридан-тўғри хориж сармояси киритилди. Бунинг самараси ўларок, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 млрд.дан 82 млрд. киловатт-соатға ортди. Кейинги беш йилда ушбу кўрсаткич 120 млрд. киловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54 фоизға етади. Шунингдек, электр тармоқларини янгилашға 4 млрд. доллар жалб қилиш мўлжалланган.

Бугун рақамли технология ва сунъий интеллект иқтисодиёт драйверига айланаётгани ҳам ҳеч кимға сир эмас. Мамлакатимизда мазкур йўналишдаги лойиҳалар ижроси ҳам жадал тиз олган. Натижада шу йилнинг ўзида IT экспорти 1 млрд. АҚШ доллариға етиши кутилмоқда. Бу борада эришилаётган ютуқлар халқаро даражада эътироф этилиб, Ўзбекистон Сунъий интеллектға тайёрлик бўйича халқаро индексда бир йилда 17 поғонаға кўтарилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан биргаликда мамлакат молия секторини илк бор комплекс баҳолашдан ўтказди. Натижалар ёмон эмас. Халқаро молия институтлари банк, молия, суғурта, капитал бозоридаги ислохотларни тўлиқ кўллаб-қувватлашни маълум қилди. Ушбу

Ишончға асосланган ҳамкорлик

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъаббуси ва сиёсий иродаси туфайли қўшни

Расмий маълумотларға кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми бир неча бараваар ошган. Агар 2017 йилда асосий капиталға жалб этилган инвестициялар 14,1 млрд. АҚШ доллариини ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 40,0 млрд. долларға етди, киритилган чет эл инвестициялари 3,5 млрд. доллардан 27,7 млрд. долларғача ўсган. Бунда жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми эса беш баробар ошган.

мамлакатлар билан йўлга қўйилган очик ва дўстона сиёсат натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги ҳамкорлик муҳити шаклланди. Яқинда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда ўтказилган Маслаҳат учрашуви савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги муносабатларни янги босқичға кўтарди.

Эътибор беринг, саккиз йилда қўшниларимиз билан товар айланмаси ҳажми 3,5 баробардан зиёд ошиб, қарийб 13 млрд. АҚШ доллариға етди. Улар иштирокида кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалға оширилмоқда. Жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошланган бўлса, энергетика ва инфратўзимла соҳаларида яна бир қанча истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш ишлари якуниға етказилипти.

Хозирда Ўзбекистонға наинки қўшни, айни чоғда олис давлатлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар катта ишонч билдирмоқда. Бу бежиз эмас. Биргина молиявий институтлар мисолида айтадиган бўлсак, юртимизда улар билан мутлақо янгича ишлаш усулиға ўтилиб, аниқ натижаға қаратилган самарали ҳамкорлик тизими жорий этилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўтган йили Ўзбекистонға рекорд миқдорда — 1 млрд. АҚШ доллариға яқин инвестиция киритгани, ушбу банкнинг минтақадаги энг йирик ҳамкориға айланганимиз ана шу савй-ҳаракатлар ме-васидир.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, халқаро молия ташкилотларининг хусусий сектор билан ҳамкорлиғи кескин кучайиб, илгор қорхоналарға тўғридан-тўғри инвестиция киритилапти. Жумладан, бир йил давомида уларнинг хусусий компания ва банклар билан қўшма лойиҳалари умумий ҳажми 1 млрд. АҚШ долларидаи ортди.

Айтиш жоизки, хорижий компаниялар аънаъвий йўналишлар билан чегараланиб қолмасдан “яшил” энергия, чиқиндиларни қайта ишлаш, электр энергиясини саклаш, “яшил” водород ишлаб чиқариш каби илгор соҳаларда ҳам янги лойиҳаларға кўл урмоқда. Бу хусусда гап кетганда, “Acwa Power”, “Masdar”, “Linde”, “Shanghai Environment”, “Total Energies” сингари етакчи компаниялар томонидан 8 млрд. АҚШ долларидаи зиёд инвестиция киритиб, “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришға катта ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Кейинги пайтда юртимизға рақамли технологиялар соҳасида дунё тан олган нуфузли компаниялар ҳам кириб келаётгани қуво-

нарли ҳол, албатта. Айтилик, “DataVolt” компанияси минтақадаги энг йирик “яшил дата марказ”ни, “Veon” компанияси сунъий интеллектға асосланган “мобиль суперилова”-ни яратиш лойиҳаларига киришган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Булар хорижий инвесторларнинг очкилик сиёсати ва ислохотларға бўлган юксак ишончи мевасидир.

Ривожланишнинг амалий ифодаси

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий юксалишида ташки иқтисодий алоқалар муҳим аҳамиятға эға. Сабаби, экспортнинг ўсиши мамлакат валюта заҳираларини кўпайтириб, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш орқали иқтисодиётнинг глобал қиймат занжирларига интеграциялашувини тезлаштиради. Импорт операциялари эса қорхоналарнинг замонавий ускуна ва технологияларға бўлган эътиёжини таъминлашға хизмат қилади.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг ташки савдо айланмаси қарийб 2,5 баробар ошгани, айниқса, экспорт ҳажмининг барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётгани эътиборға молик. Мамлакат ташки савдо айланмаси 2017 йилда 26,5 млрд. АҚШ доллариини ташкил этган бўлса, 2024 йилда мазкур кўрсаткич 67,2 млрд. долларға етди ва 2025 йил якунида эса 75 млрд. АҚШ доллари атрофида бўлиши кутилмоқда.

Масалан, 2017 йилда экспорт ҳажми 12 млрд. долларға тенг бўлса, 2024 йилда

27,3 млрд. АҚШ доллари ва 2025 йилда бу рақам кўтирмаларға кўра, 30 млрд. АҚШ долларидаи ошади. Экспорт таркибида аънаъвий ҳомашё эмас, аксинча, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиғи ва саноат товарлари, хизматлар улуши муттасил ортаётгани иқтисодий ислохотларнинг тўғри танланганини англатади, албатта.

Иқтисодиётнинг ривожланиши, аввало, аҳолининг турмуш даражасида акс этади, аниқроғи, аҳоли жон бошиға тўғри келади-ган даромадға таъсир кўрсатади. Расмий маълумотларға қараганда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда киши бошиға тўғри келади-ган ЙИМ ўртача барқарор ўсмоқда. Масалан, шу йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг мос давридағига нисбатан 5,6 фоиз ошди.

Аҳоли даромадининг ўсиши, ўз навбатида, одамларнинг харид қобилиятини ошириб, ички истеъмолни рағбатлантиради ва иқтисодиётда тўлақонли пул айланишини таъминлайди. Ижтимоий химоя, таълим ва соғлиқни саклаш соҳаларига йўналтирилаётган маблағларнинг кўпайиши эса аҳоли турмуш сифатини яхшилашға хизмат қилмоқда. Натижада юртимизда замонавий шаҳрлар қад кўтармоқда, қишлоқ ва маҳалалар обод бўлмоқда. Ўтган саккиз йилда аҳоли учун 500 мингга яқин квартиралар кўп қаватли уй-жойлар барпо этилдики, бу мустақиллигининг дастлабки 25 йилидағига нисбатан тўрт қарра кўлди. Бундан ташқари, маҳалла инфратўзимласини яхшилаш, қишлоқлар ва йўлларни обод қилиш учун 60 трлн. сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, миллиардлаб доллар хорижий сармоя жалб этилиб, 100 мингдан ортиқ инвести-

Бугун кўпчилик ҳавас билан қараётган ушбу иқтисодий ютуқлар ҳақида мушоҳада қилганда, таниқли сиёсатшунос, давлат ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиковнинг “Алаим бор...” мақоласида айтилган мана бу мулоҳаза ёдға тушаверади: “Нега биз, ҳатто мустақиллик йилларида ҳам бу ишларға киришмадик. Нега? Нега? Нега?.. Пулимиз йўқмиди? Ахир устимизға бугун осмондан бойлик ёғилмади-ку. Пахтамиз ҳам, олтинимиз ўғзимиз ҳам ўша-ўша-ку... Унда нима учун бу ишларни илгарироқ қилмадик, кимдан, нимадан кўрқдик?!”

Охириг саккиз йил давомида кўлга киритилган улкан тарихий ютуқлар, Ўзбекистоннинг иқтисодий динамикаси замирида, шубҳасиз, Президентимиз бошчилиғида ўз вақтида бошланган кенг кўламли ислохотлар мужассам. Бугун қад ростлаётган улкан бинолар, замонавий шаҳарчалар, қўрқам уй-жойлар, мактаб ва бочалар, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари мисолида Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва улкан бунёдкорлик салоҳияти яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси, аввало, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашға хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

БУХОРО ТОМОНЛАРДА

Шофиркон туманидаги “Мирзокул” маҳалла фуқаролар йиғини худудида салкам 1200 та оила истиқомат қилади. Аҳолининг қарийб 92 фоизи ичимлик суви билан таъминланган. Эндиликда қолган 8 фоизи ҳам марказлашган тоза сувдан баҳраманд бўлади.

ХАЙРЛИ ИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Нисбатан чеккада жойлашган Мингон ва Дарозон қишлоқлари шу пайтға қадар водопроводлаштирилмаган эди. “Хайрли ишнинг кечи йўқ”, деганларидек, бу масала ечимига киришилди. Ислои тараққиёт банки гуруҳи иштирокидаги “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси шу икки манзилда 150 та хонадон ташвишини енгиллаштиришда кўл келяпти. Лойиҳа доирасида ажратилган 2 миллиард сўм миқдоридаги маблағ эвазига 8 километр узунликда қузулар тортилмоқда.

Маълумотларға қараганда, шу каби тизимли ишлар натижасида жорий йил якуниға қадар Бухоро вилоятидаги 84 та маҳаллада ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

«АВИЦЕННА» ЭТНИК ТУРИЗМ ШАҲАРЧАСИ БАРПО ЭТИЛАДИ

“Авиценна” этник туризм шаҳарчаси лойиҳаси тайёрланди. У буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино туғилган Афсона қишлоғида барпо этилмоқда.




— Лойиҳадан ўнинчи аср ҳаётини акс эттирувчи 22 та объект ўрин олган, — дейди Бухоро вилояти туризм бошқармаси масъул ходими Бобуржон Тўхсанов. — Қадимий дарвозалар, карвонсарой, чойхона, ҳунармандчилик устаконалари, тегиримон, турли доривор гиёҳлар, гулзорлар, деҳқон хонадони, Ибн Сино уй-музеи шулар жумласидан. Бу лойиҳа хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шуни инобатға олган вилоят туризм бошқармаси Ибн Сино жамоат фонди билан ҳамкорликда Мадааний меросни тиклаш альянси (АҚШ) ҳамда “Arch International inc” халқаро ташкилотининг Европа бўйича ваколатхонаси масъуллари учун “Авиценна” этник туризм шаҳарчаси лойиҳаси тақдимотини ўтказди. Ўзаро тажриба алмашув хар икки томон учун ҳам фойдали бўлди.

МАҲАЛЛАДАГИ МЕҲМОНХОНАЛАР СОНИ 77 ТАГА ЕТДИ

Бухоро шаҳрининг Кўкалдош маҳалласи нафақат қадимий обидалар, қадамжалар, ҳунармандчилик устаконалари, балки меҳмоннавозлиғи билан ҳам тилға тушмоқда. Маҳаллада айни дамда меҳмонхоналар сони 77 тани ташкил этапти.



Яқинда бу ерда тадбиркор Дилфуза Жамилова таъаббуси билан барпо қилган “Sokin Palace” меҳмонхонаси сайёҳларға хизмат кўрсатишға киришди.

— Ўзида миллийлигимизни мужассам этган шундай маскан феолиятини йўлга қўйиш ниятида эдик, — дейди Д. Жамилова. — Мақсадимизға эришганимиздан хурсандим. Лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўм бўлган меҳмонхонамиз 30 ўринға мўлжалланган. 8 та иш ўрни яратди. Ходимларимиз хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳларға рисоладагидек хизмат кўрсатмоқда. Самиий муносабат, дўстона муҳит, шарқона шарт-шароит туризмини ривожлантиришға хизмат қилади. Ишға ана шу мезондан туриб ёндашялмиз.

Айтиш жоизки, Бухоро вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида турли мулк шаклидаги етимишға яқин меҳмонхоналар ўз фаолиятини бошлади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Такдимот

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ
ЯНГИ РОМАН
БИЛАН БОЙИДИ

Буюк адиб Абдулла Қодирий қаламига мансуб биринчи ўзбек романи — “Ўткан кунлар”нинг яратилганига 100 йил тўлди. Бир асрдирки, ушбу ўлмас асар неча авлод адабиёт мухоблари қалбида эзгулик ва маърифат чироғини ёқиб, миллионлаб инсонларни миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимиз руҳида тарбиялаб келмоқда. Унинг бош қаҳрамонлари кўнгиллардан чуқур жой олган бўлиб, ўз даврида ҳам, ҳозирги кунда ҳам китобхонлар уларнинг кейинги тақдирига қизиқиш қарши, асарнинг давомини хаёлан тасаввур қилиб юришини кўриш, кузатиш мумкин.

Улуғларнинг улуғлиги шундаки, улар ҳамма гапни ҳар доим ҳам очик айтивермайдилар. Нозик ишоратлар қиладики, бунда ақл эгаларига англай оладиган ботиний белги-аломатлар мужассам, десак, айни ҳақиқат.

“Ўткан кунлар” романининг сўнгги саҳифаларида “Ёзғучидан” деб берилган муктасар изохда Абдулла Қодирий асар бош қаҳрамони Отабекнинг Ватан мудофааси йўлида ҳалок бўлгани, унинг Ёдгорбек деган ўғлидан икки фарзанд қолгани, уларнинг бири шўро ҳукуматининг масъул ишчиларидан экани, иккинчиси эса “босмачилар” сафига қўшилиб кетгани ҳақида ёзиб, гаройиб бир асарнинг сюжет линиясини белгилаб беради.

Вақти-соати етиб, адабиётимизнинг қайсидир истеъдодли вакили шу мавзунинг давом эттириб, янги тарихий асар яратишини кутиш мумкин эди. Ва орадан 100 йил ўтиб, мана шу гўзал орзу ўзининг бадий инкишофини топди. Кўп йиллик ижодий фаолияти давомида Абдулла Қодирийни ўзига маънавий устоз деб билиб, қалам тебратиб келаётган таниқли ёзувчи Хайридин Султон томонидан тарихий ҳужжатлар асосида яратилган бадий тўқима “Ялдо кечаси” романи учун асос бўлиб хизмат қилди.

21 декабрь куни пойтахтимиздаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида ушбу насрий асарнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Қўлдан бўён кутилаётган ушбу тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, таълим, маданият ҳамда санъат соҳаси намояндалари, талаба ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Дарвоқе, тақдимот маросимининг айнан шу санада ўтказилганида ҳам ўзига хос маъно мужассам. Зеро, тақвимга кўра, 21 декабрдан 22 декабрга ўтадиган вақт оралиғи йилнинг энг узун туни — ялдо кечаси ҳисобланади. Ана шундай рамзий ном билан аталган роман эса кенг кўламли тарихий асар бўлиб, халқимиз ҳаётининг машаққат ҳамда изтиробларга тўла қоронғи тунларидан ҳикоя қилади.

Беназир шоиримиз Мухаммад Шариф Гулҳали қаламига мансуб: “Бу нечук тунким, они тонги йўқ, Ё музаинларининг бонги йўқ”, деган сатрларнинг романига эпиграф қилиб олингани ҳам шундан далолат беради.

Янги китобни ўқувчиларга танитиш маросимининг ушбу масканда — Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи жойлашган сокин ҳудудда ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Ўтган асрнинг машъум қатагон йилларида миллиятимиз, халқимизнинг асл фарзандлари, маърифатпарвар жадид боболаримизнинг қўллаб машхур намояндалари ўша даврда “Алвасти кўприк” деб ном олган мана шу жойда қатл этилган. Шу боис тадбир аввалида қатагон қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан ижодкор зиёлилар, жамоатчилик вакиллари мамлакатимизда Президентимиз томонидан миллий тарихимизни тиклаш, илм-фан, таълим-тарбия, санъат ҳамда адабиёт соҳаларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ўз ижобий самарасини бераётганини қайд этди. Жумладан, “Ялдо кечаси” тарихий романи ана шу йўлдаги янги, улкан бир қадам бўлгани таъкидланди.

Лотин ва кирилл алифбосларида чоп этилган ушбу китобнинг масъул муҳаррири, атоқли адиб ва таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров асарни замонавий ўзбек адабиётида тамомила қашифти, деб баҳолади.

Тақдимот маросимида “Ялдо кечаси” романида XIX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XX асрнинг биринчи чоратида Туркистонда ҳукм сурган кескин ижтимоий-сиёсий вазият, мустабид тузум зўравонликлари, миллатпарвар зотларнинг фидокорона кураши, аждодларимиз бошига тушган кечис мусибатлар ҳаққоний ва таъсирчан тасвирлангани қайд этилди.

— Роман ғоявий мақсади, мавзу-мундарижаси, гаройиб бадий композицияси жиҳатидан бугунги адабиётимиз ривожига, шубҳасиз, катта бир воқеадир. — дейди адабиётшунос олим, академик Шухрат Сирожиiddинов. — Ушбу асарни замонавий ўзбек миллий насрининг “Ўткан кунлар” романидан кейинги юз йиллик тарихида индивидуаллиги ва жозибadorлиғи, миллий руҳи билан ажралиб турадиган юксак савиядаги китоб, деб бемалол айта оламиз. Шу боис бугунги китобхонлар, айниқса, ёшларимиз, романда ёзилганидек, “Туркистоннинг туганмас қайғуси, элнинг бедаво дарди, ватандорлик армони, озодлик ва адолат, маърифатли ҳаёт озу, маҳрумият ва мағлубият аламларидан, зулм ва ҳаёлот ҳукмрон бўлган ялдо кечаларининг ниҳоясиз истибдодидан ҳасрат ва фарёд чекиб” ҳикоя қиладиган бу асарни, албатта, ўқиб-ўқишлари зарур, деб ҳисоблайман.

Тадбирда мазкур асар Янги Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган очилиқ ҳамда эркинлик сиёсатининг ҳосиласи ўлароқ дунёга келгани эътироф этилиб, бугунги кунда миллий истиқлоллимизни асраш, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳаётимиз аъзоларининг, аввало, миллат зиёлиларининг масъулиятли ҳамда шарафли бурчи экани алоҳида таъкидланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ЧЕМПИОННИНГ БОБОСИ БЎЛИШ БАХТИ...

Ўз меҳнатинг билан элга танилиш нақадар мароқли. Фарзандларинг ортидан машхурият янада ёқими ва шарафли. Эл билган фарзандлар камолдан масрур, шухратидан мағрур юриш бахтидан улуг саодат борми?! Аммо жажжи набиралар ортидан элга танилиш, ҳурмат-эҳтиром кўриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт, десак, адашмасан бўламиз. Ана шу толега эришган боболардан бири мен бўлдим...

Фахр

Камина эл назарида ҳуқуқшунос, олим, шоир ёки ёзувчи сифатида эмас, балки жаҳон чемпионларининг бобоси сифатида танилди. Шу мартабамни барча эришган мақомларимдан энг улуғи деб биламан ва бундан фахрланаман, завку шавққа тўламан. Давраларда “Шахмат бўйича жаҳон чемпионлари — ака-ука Жавоҳир ва Ислонбек Синдоровларнинг бобоси” деб таништирилганларидан кўпчилик мен билан бошқатдан кучоқлашиб кўришади, давра тўрига чиқариб, чемпионлар, оиламиз ва менинг шавҳимга мақомлар ёғдиради, тасаннолар айтади, дуолар қилади.

Набираларим билан ўтган ҳар олим шодлиқларга, ҳаяжону ҳис-сиётларга тўла. Айниқса, яқинда рўй берган тарихий воқеа қалбимни мисли кўрилмаган қувончга, бир умрлик илқ хотираларга тўлдирди...

Жорий йилнинг ноябрь ойида Хиндистоннинг Гоа шаҳрида бўлиб ўтган FIDE жаҳон кубоги ярим финалига юртимизнинг икки шахматчиси — Жавоҳир Синдоров ва Нодирбек Якубовев муваффақиятли етиб борди. Жаҳон кубоги учун курашаётган 4 шахматчидан 2 таси ўзбекистонлик экани барча юртдошларимизда фарх ва ғурур уйғотди.

Жавоҳир яримфиналга чиққан, юрагим бир нарсани сезгандай турмуш ўртоғим ва набирам Ислонбек ҳамроҳлигида Хиндистонга йўл олди. Тўғриси, Тошкентда тура олмадим. Набирани руҳан қўллаб-қувватлаш, ёнида туриб мадад беришни ўзимнинг бурчим деб билдим. Унга айтмасдан йўлга тушдик. “Сюрприз” қилмоқчи бўлдик. Бир кун йўл босиб, Гоага етиб бордик. Жавоҳир бизларни кўриб, чунонам қувониб кетдики!.. Ахир катта синов олдидан унга яқинлари далдаси, ота-она дуоси жуда муҳим эди-да!

Кейинги куни яримфинал баҳслари давом этди. Жавоҳир ҳамюрти Нодирбек билан тенгма-тенг “жан” олиб борди ва тай-брекда ғолиб келди. Қувончимизнинг чеки йўқ эди. Чунки набирам финалга йўл олиш билан бирга жаҳон шахмат тожи учун номзодлар мусобақасига йўланамани ҳам нақд қилганди. Финалда Жавоҳир Хитойнинг



биринчи рақамли гроссмейстери Вэй Ига қарши дона сурди. Асосий баҳсларда дуранг қайд этилди. Тай-брекда эса спорт-рақибимизнинг қўли баян келиб, рақибини таслим этди. Ва дунё шахмат тарихида илк бор 19 ёшли жаҳон кубоги соҳибига айланди. Шу кунги қувончимизни сўз билан ифодалаш қийин. Орзуларимиз рўёбга чиққанидан осмонларда учиб юрардик гўё... Махаллий аҳоли, шахмат мута-саддилари, юртдошларимиздан келаётган табриклар, қўтловларнинг чеки йўқ эди...

Шу ҳаяжонли лаҳзаларда ижтимоий тармоқларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг пойтахтимизда ўтаётган Президент олимпиадасининг очилишига бағишланган тадбирда нутқини тўхатиб, Жавоҳирнинг жаҳон кубоги ғолиби бўлгани ҳақидаги хушхабарни фахрийтихор билан эълон қилгани ва буни майдондаги минглаб ёшлар олқишлагани ҳақидаги лахзалар тарқалиб кетди. Бир қувончимизга юз қувонч қўшилди.

Бир мuddат ўтмай давлатимиз раҳбарининг Жавоҳир билан гаплашмоқчи эканини айтишди. Юртбошимизнинг шунча ишларидан, давлат юмшларидан ортиб, чемпион билан мулоқот қилмоқчи бўлгани қалбимизни чексиз ғурурга тўлдирди. Президентимиз билан видео-кўнгирокни улаб берганларида ҳаяжондан тилим қалимага келмай қолди. Давлатимиз раҳбари “Ассалому алайкум, чемпионнинг бобоси” деб мурожаат этганида оёқла-

рим қалтираб кетди, ўпкам тўлиб, гапиролмай қолдим. Президентимизга салом бериб, телефонни набиранинг қўлига тутишга ўзимда куч топдим. Бироз ўзимга келиб, Жавоҳирнинг Юртбошимиз билан самимий гаплашиб турганидан кўнглим

ларини тасаввур қилаверинг...

Сўнг чемпионга сўз берилди. У инглиз тилида равои сўзлаб, мухлисларни хурсанд қилди. Ташкилотчилар “Жавоҳир, сенга бир совға ҳозирладик”, деганда ҳаммамиз ҳайрон бўлдик. Бир пайт чироқлар ўчирилиб, ҳамма-нинг нигоҳи мониторга қаратилди. Экранда Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқ сўзлаётгани, шу пайт кутилма-ганда унга хабар етказилгани, давлатимиз раҳбари гапиршдан бироз тўхтаб, сўнг мамнуният билан Хиндистондаги шахмат бўйича жаҳон кубогида Жавоҳир Синдоров ғолибликни қўлга киритиб, тарихий зафар қучгани ҳақидаги хабарни эълон қилгани, ўйингоҳ ёр қалқиб, ёшларнинг “Ўзбекистон, Ўзбекистон!” деган ҳайқириқлари янграгани намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбарининг чемпиonga муносабати, ватандошларнинг олқиши, биз-ку майли, юзлаб хорижлик шахматчи ва мураббийларни лол қолдирди. Табриклар, қўтловлар тинмади... Олам-олам қувонч билан эртаси куни сахарда Мумбайга, сўнг Деҳли шаҳрига етиб келдик. Аэропортда бизни Ўзбекистоннинг Хиндистондаги Факуллода ва мухтор элчиси Сардор Рустамбоев жамоаси билан илқ кутиб олди. Элчихона номидан совғалар улашди. Тошкентга учадиган самолётда ҳам экипаж аъзолари чемпионга алоҳида ҳурмат кўрсатишди.

...Оммавий ахборот воситаларида батафсил ёритилгани боис Тошкентдаги байрамона кутиб олишу тантанали маросимлардан кўпчилик хабардор. Бу ўринда Жавоҳирга қимматбаҳо совғалар,

“Президентимиз ўз нутқида аждодларимизнинг илмий ва маънавий мероси, биринчи ва иккинчи Ренессанс алломалари ҳақида гапириб, уларнинг авлодлари учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга қодирлигини эслатди. Ва 19 ёшли Жавоҳирнинг шахмат бўйича жаҳон кубогини қўлга киритгани ҳам бунинг ёрқин далили эканини таъкидлади.”

тармоқларида тарқалди. Бир мuddатдан сўнг тақдирлаш маросимига йилгиди. Бизни чемпиoning ота-онаси сифатида энг олдинги ўринларга ўтказишди. Жавоҳир шоҳсўпага чиқиб, жонажон Ватанимиз мадҳияси янграганда, устидан зарлар сочилиб, олқишлар авжига чиққанда бу ҳолатни Ўзбекистондан кузатиб турган юртдошларимиз кўз ёшларини тийлмагани рост. Энди ота-онанинг қувончу шодлик-

пул мукофотлари билан бирга, Президентимизнинг фармонида кўра, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони берилгани севи-нимизга севиноч қўшганини алоҳида урғуламоқчиман.

Ўша куни камина 65 ёшни қаршилаётганда. Набирам юбилейимга шундай бебаҳо совға ҳозирлади... Келаси куни Жавоҳирга давлат мукофотини шахсан Президентимизнинг ўзи топ-

шириши маълум бўлди. Мен на-бираним маросимга кузатиб, ўзим ишда қолмоқчи эдим. Аммо масъуллар Президентимиз Жавоҳир бобоси билан келиши кераклигини тайинлаганини айтишди. Ҳаяжон ичра саройга етиб бордик. Бизни остонда тантанали кутиб олишди. Саройда беш юздан ортиқ меҳмонлар тўпланганди.

Шу куни Президентимиз пойтахтимизда “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасига старт бериш маросимида Жавоҳирни тақдирлашга қарор қилган экан. Тўғри-да, шахмат ҳам ақл-заковат ўйини, сунъий интеллект ҳам билим-тафаккур маҳсули.

Президентимиз ўз нутқида аждодларимизнинг илмий ва маънавий мероси, биринчи ва иккинчи Ренессанс алломалари ҳақида гапириб, уларнинг авлодлари учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга қодирлигини эслатди. Ва 19 ёшли Жавоҳирнинг шахмат бўйича жаҳон кубогини қўлга киритгани ҳам бунинг ёрқин далили эканини таъкидлади. Президент фармони ўқиб эшиттирилиб, Жавоҳир даврга тақдир этилди. Юртбошимиз ёш чемпиoning кўкрагига давлат мукофотини тақиб қўйди ва унинг келажақда жаҳон шахмат тожиги Ўзбекистонга олиб келишига умид билдирди.

Мен биринчи қаторда кўзим жиққа ёшга тўлиб ўтирар эканман, бундай эъзоз ва ғамхўрликдан юрагим фахрга тўлди, шундай меҳрибон Юртбошимиз борлигидан суюндим... Ўн йиллаб чеккан азобларим унут бўлиб, шу кунларга етганимиздан юрагим шукроналик ҳиссига тўлди... Президентимиз хорижий меҳмонлар олдида “Қаранг, менинг ана шундай жавоҳир ўғлонларим бор”, демоқчи бўлганини англаб турардим...

Шубҳасиз, бундай эътибор ёш чемпиonga масъулият ҳам юклани табиий. У келгуси мусобақаларга янада кучли тайёргарлик кўриши керак. Жавоҳир 2026 йилда Кипрда ўтадиган номзодлар турнирида ғолиб бўлиб, жаҳон шахмат тожиги Ватанимизга олиб келиши лозим...

Машаққатсиз ҳеч нарсалга эришиб бўлмайди. Заҳматлар ортида эса рағбатлар ётади... Экилган дарахт парвариш қилсанг, бир кун, албатта, мева беради. Биз буни набираним Жавоҳир мисолида кўриб, ҳис этиб турибмиз...

Комил СИНДОРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор.

Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги

ЖАСОРАТ ВА ИБРАТ МАЁФИ



Жадид боболар босиб ўтган йўл, улар қолдирган маънавий мерос, қўрсатган жасорат, ҳатто уларнинг армонлари ҳам келгуси авлод учун маёқ вазифасини ўтайди. Негаки, улар юртни нафақат озод қилиш, балки ривожланган давлат қаторига қўшиш учун жонларини қурбон қилган зуқко ва жасур аждодларимиздир.

Президентимиз томонидан жадидчилик ҳаракати, унинг намояндаларига, хусусан, Туркистонда жадидчилик ҳаракати асосчиси Маҳ-

мудхўжа Бехбудий шахси, фаолиятига эътибор юқори даражага кўтарилди. Аввало, давлатимиз раҳбари фармони билан Маҳмудхўжа Бехбудийга юртимизнинг олий мукофотларидан бири — “Буюк хизматлари учун” ордени берилди. Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонида Бехбудийнинг музаззам ҳайкали ўрнатилди, Самарқанд шаҳрида ўзи яшаб ижод қилган, “Самарқанд” газетаси, “Ойна” журнали таҳриратлари фаолият кўрсатган бинода уй-музейи очилди, истеъдодли драматурглар учун мукофот таъсис қилинди. Шунинг-

дек, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида унинг номида илмий мактаб ташкил этилди, талабалар учун Бехбудий стипендияси таъсис қилинди.

Жорий йил эса биз, жадидшунослар учун ҳеч муболағасиз Маҳмудхўжа Бехбудий йили бўлди. Давлатимиз раҳбарининг “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, шоир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори мазкур ишларни янги поғонага кўтарди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида алломанинг икки жилдик асарлари чоп этилди. Унинг фаолияти бўйича докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди, ижоди ҳақида бир неча рисоалар чиқди. Туркистон озодлиги йўлида жонини фидо этган бу донишманд бобомиз фаолияти дунё олимлари иштирокидаги халқаро анжуманларда йил бўйи ўрганилди.

Ана шу ишлар қаторида Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида Маҳмудхўжа Бехбудий хотирасига бағишланган кенг қамровли маънавий-маърифий тадбир ҳам кўтаринчи руҳда ўтказилганини таъкидлаш лозим.

Ушбу тадбир доирасида Туркистон даҳоси туғилиб ўсган Тойлоқ туманининг Бахшитапа маҳалласида мўъжаз бог яратилди ва унга “Маҳмудхўжа Бехбудий боғи” дея ном қўйилди. Бог тўрида Маҳмудхўжа Бехбудий музейи очилди. Унинг ёнида Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги ўқув маркази иш бошлади. Аллома ўз даврида орзу қилган Маҳмудхўжа Бехбудий кутубхонаси ёшлар учун билим ўчоғига айланди. Ҳовлида эса маърифатпарвар бобомиз бюсти ўрнатилдики, унинг тантанали очилиш маросимида нурунийлар, олимлар, зиёлилар, маҳалла ахли ва албатта, ёшлар қатнашди.

Шу куни Шоўлёт маҳалласидаги маданият марказида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилди. Унда олимлар, журналистлар ва зиёлилар Бехбудийнинг ҳаёт йўли, жадидчилик ҳаракатидаги ўрни, серқирра фаолияти юзасидан маърузалар қилди. Алломанинг эвараси Шохрўх Бехбудий кўрсатилаётган эътибор учун авлодлари номидан, аввало, давлатимиз

раҳбарига, олимлар ва тадбир ташкилотчиларига, маҳалла аҳлига миннатдорлик билдирди.

Таниқли адиб Фармон Тошев қадамига мансуб “Бехбудий” номи спектакл намойиши анжуманга ўзгача шуқуҳ бахш этди. Шу пайтгача яратилган асарларда Бехбудийнинг сўнгги кунлари болшевиклар тўқиган афсоналар асосида намойиш қилинар эди. Истеъдодли режиссёр Фарход Бойназаров саҳналаштирган мазкур пьеса улардан фарқли равишда, яъни ҳақиқат намойиши билан аёнланибдики, бу лаҳзаларда айтилган сўзлар, чекилган фарёд томошабинлар юрагини ларзага келтирди. Самарқанд вилояти мусикали драма театрининг ижодий жамоаси их-росидаги мазкур саҳна асари томошабинларда буюк жадид сиймосининг мураккаб ва ибратли ҳаёт йўлини бадий тарзда ёритиб берди. Томошабинлар Туркистон даҳоси тақдирини гавдалантирган иқтидорли актёр Лазиз Маматқулов ва ижодий жамоа маҳорати кўзларида ёш билан узоқ вақт олқишлади.

Кун давомида бўлиб ўтган тадбирлар Маҳмудхўжа Бехбудий меросини чуқур ўрганиш, уни ёшлар онгига синдириш ва миллий маънавиятимизни юксалтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ҳалим САИДОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори.

Туркияда 9 — 17 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида уюштирилган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлхазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Баҳромов.

Мусаххих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.45 Топширилди — 02.55 1 2 3 4 5 6